

# ШАРТНОМА № 22/2022

(Курилиши лойиҳа ишлари)

Тошкент вилояти.

2022 йил “24” 07

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институти (кейинги ўринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи Бош директори И.С.Ахмедов бир томондан ва “Samoiy Nur Loyiha” МЧЖ (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор М.Хусанова иккинчи томондан, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Кирмиш” МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил реажалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош “Шихобод” ва “Шеробод” МФЙнинг шахарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиши (кейинчалик-объект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисидаги”ги 684-сонли қонунига асосан xarid.uzex.uz маҳсус ахборот портали орқали (Лот рақами 118682) эълон қилинган ва “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтининг 2022 йил 19 июлдаги баённомасига асосан куйидаги шартномани туздилар:

## I. Шартнома предмети ва муддати

1.1. Бажарувчи, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани “Кирмиш” МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил реажалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош “Шихобод” ва “Шеробод” МФЙнинг шахарсолик жихатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи Лойиҳа-смета ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган ҳуқуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи лойиҳа-смета ишларини буюртмачи томонидан бирламчи маълумотлар тақдим этилиб, шартнома имзоланган кундан бошлаб шартноманинг 1-иловаси “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ишлари бўйича бажариб бўлгандан сўнг ишларни бажариш муддати даврида 3 (уч) нусхада ҳамда электрон кўринишда мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

## II. Шартнома баҳоси ва тўловлар қоидалари

2.1. Шартноманинг баҳоси ўтказилган танлов натижаларига асосан ҚҚС билан 32 952 927 сўм (Ўттиз икки миллион тўққиз юз эллик икки минг тўққиз юз йигирма етти) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани имзолагандан сўнг 5 иш куни мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи Лойиҳа-смета ишлари хужжатларини бажариб Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул килиш далолатномаси расмийлаштирилгандан кейин 10 иш куни мобайнида, дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдоридаги) ушлаб қолиниб молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси танлов натижаларига асосан белгиланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган лойиҳа-смета хужжатларига экспертиза хulosаси олингандан сўнг, лойиҳа-смета хужжатлари баҳоси тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзоланади.

## III. Томонлар мажбуриятлари

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг хаммасини Бажарувчига тўлаши ёки ишларининг айrim босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлаши, тайёрланган лойиҳа-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул

килинган деб хисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

#### **IV. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Лойиҳа-смета ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойиҳалаш учун топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳисбот хужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнida ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар Лойиҳа-смета ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнida ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга лойиҳа-смета ишлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета хужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни лойиҳа-смета ишларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огохлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### **V. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Лойиҳа-смета ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўриши шарт.

#### **VI. Низоларни ҳал этиш**

6.1 Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент вилояти туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

#### **VII. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш**

7.1. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.2. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

#### **VIII. Форс-мажор.**

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишда узайтирилади.

#### **IX. Қўшимча шартлар**

9.1. Бажарувчи Лойиҳа-смета ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатта олган ҳолда, учинчи шахсларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хақи кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня

тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қўйматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қўйматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга.

9.7. Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

9.8. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали.

### Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

#### “Буюртмачи”

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-  
қидирив институти

Манзил: 100128 Тошкент шаҳар  
Шайхонтохур тумани А.Қодирий кўчаси 7 уй  
Тел: 71-241-13-23

ХР: 20214000704767451001  
Банк: ХАТБ “DAVR BANK” Тошкент шаҳар  
Юнусобод филиали

МФО: 01122 ИНН: 206 994 012  
ОКЭД 71100

Бош Директор  И.С.Ахмедов

#### “Бажарувчи ”

“SAMOIY NUR LOYIHA” МЧЖ

Манзил: Тошкент вилояти, Бекобод  
шахар, Ф.Ғулом кўчаси 71 А-уй.

ХР: 2020 8000 4003 6534 6001

ҚҚС рўйхат рақами 32770171691

Банк: “Ипотека банк” АТИБ Тошкент  
шахар филиали

МФО: 00419 СТИР: 302 992 560

ОКОНХ: 66-000

Директор  М.Хусанова

2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

22/2022-сонли шартномага 1- илова

Хоразм вилояти Янгиарик тумани "Кирмиш" МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил реажалаштириш лойихаси ҳамда ёндош "Шихобод" ва "Шеробод" МФЙнинг шахарсолик жиҳатидан транспорт ва қўча йўл тармокларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиши

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Киймати (сўм)	Бажариш		Молиялаштириш муддати 2022 йил
			Муддати	Киймати (сўм)	
	Хоразм вилояти Янгиарик тумани "Кирмиш" МФЙни бош режа лойихаси билан бир вақтда батафсил реакалаштириш лойиҳаси ҳамда ёндош "Шихобод" ва "Шеробод" МФЙнинг шахарсолик жиҳатидан транспорт ва кўча йўл тармоқларини ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш	32 952 927	7 кун	32 952 927	32 952 927
	<b>ЖАМИ:</b>	32 952 927		32 952 927	32 952 927

